O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 1 апрель, №71 (3183) Сешанба

## БЎСТОНЛИҚНИНГ «ОЛТИН ОЛМА»СИ

*Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида яна бир дам олиш маскани — Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли"Олтин олма" оромгоҳи иш бошлади.*

Чимён-Чорвоқ ҳудудида курорт ва дам олиш уйлари кўп. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз бу оромгоҳларда дам олиб, соғлигини тиклаб қайтади. Айни пайтда у алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар сирасига ҳам киради. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва амалий ёрдами билан деярли кейинги бир йил мобайнида ҳудуднинг табиий бойликларини асраш, бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ғоят салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ улкан магистрал канализация коллектори, оқава сувлар учун насос станциялари қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши, дам олиш ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган жаҳон андозалари даражасидаги масканларнинг бирин-кетин қад ростлаши бунга яққол мисол бўла олади.

Ўтган йилнинг охирида ушбу хушманзара масканда Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Чорвоқ" соғломлаштириш марказининг биринчи навбатини қуриб фойдаланишга топширган, орадан кўп ўтмай, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг "Металлург" оромгоҳи дам олувчилар ихтиёрига берилган эди. Бетакрор иқлими, табиати билан кўпчиликни ўзига ром этувчи "Чорвоқ" сув омбори соҳилида қад ростлаган "Олтин олма" оромгоҳи ҳам юртдошларимизнинг саломатлигини тиклаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилади.

— Юз ўринга мўлжалланган оромгоҳимиз энг илғор технология асосида ғоят қисқа вақт мобайнида бунёд этилди, — дейди "Олтин олма" оромгоҳи директори Ф.Муҳиддинов ЎзА мухбирига. — Бу ерда дам олувчилар учун яратилган шароит ва кўрсатиладиган хизматлар жаҳон андозалари даражасида ташкил этилган.

Оромгоҳдаги уч қаватли кўркам маданият маркази, қатор конференция заллари, ёзги меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуаси, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзаси, сауна, кафе ва барлар, қатор спорт майдончалари, болалар учун алоҳида ўйингоҳлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Бу — мусаффо табиат қўйнида дам олиш истагида бўлган барча юртдошларимизга бошланаётган ёз мавсумида оилавий келиб ҳордиқ чиқариш учун айни муддао. Зеро, бундай имкониятдан нафақат Олмалиқ металлурглари, балки барча ўзбекистонликлар фойдаланади.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Неъмат ДУШАЕВ.**



*Ҳунарманд Абдурашид Мадалиев «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказида кандакор уста бўлиб ишлайди. Дастлабки фаолиятини ҳунармандлар шаҳри Марғилонда бошлаган А.Мадалиев айни пайтда пойтахтда ўз касб сирларини шогирдлари қатори тўрт фарзандига ҳам сидқидилдан ўргатмоқда.*

*Яқинда бўлиб ўтган Президент совринлари учун «Ташаббус-2003» республика кўрик танловида у нуфузли ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланди.*

**СУРАТДА: кандакор уста Абдурашид Мадалиев ўғли Абдумутал билан иш устида.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

*Ихчам, тезкор, замонавий қуроллар ва техника билан жиҳозланган, давр талабларига мос, юксак малакали, мамлакат чегаралари ва ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш Ўзбекистон истиқболи учун энг муҳим вазифалардан биридир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучларда хизматни ўташ тизимини тубдан яхшилаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Бу ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимоячиси обрўсини кўтариш, хорижий мамлакатларда бўлганидек шартнома асосидаги армияни яратиш, ҳарбий тайёргарликни ўтаган таркибни тайёрлаш ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддатларини қисқартириш, чақириқ ошкоралигини таъминлаш, чақириқ комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилишда нохолисликка йўл қўймаслик, улар фаолияти устидан жамоат назоратини таъминлашдир.*

— Ушбу топшириқлар иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунида тўлиқ инобатга олинган, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда республика Мудофаа вазирлиги ҳарбий чақириқ ва резервдагиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Ботир Мирзамуҳамедов. — Алоҳида таъкидлаш жоизки, янги Қонун мавжуд ҳарбий хизмат тизимини такомиллаштириш ва уни Қуролли Кучларни ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифаларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамият, давлат қурилишини демократик янгилаш жараёнларининг асосий йўналишларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Қонунда юқорида кўрсатилган тизим, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий вазифа ва механизмлари ҳамда давлат ҳокимияти органлари, ҳарбий бошқарма, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига яхши тайёргарликка эга ёшларни танлаш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўналишлари баён этилган.

Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш ҳамда ҳарбий хизматни ташкил этиш ва ўташнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

**— Ботир Исроилович, янги Қонун 1992 йилда қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонундан нимаси билан фарқ қилади?**

— Янги Қонун қатор жиддий фарқларга эга. Авваламбор, ҳарбий унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 16 майдаги Фармонига мувофиқлаштирилган. "Ефрейтор", "старшина", "прапоршик", "мичман", "кичик лейтенант" ҳарбий унвонлари бекор қилинган.

Қонунда ҳарбий хизматлар турлари алоҳида моддада таърифланган (4-модда). Ҳарбий хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Қуролли Кучларда умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари белгиланган: муддатли ҳарбий хизмат, сафарбар чақириқ резервида ҳарбий хизмат, шартнома асосида ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтаб бўлган резервдагилар хизмати.

6-8-моддаларда муддатли ҳарбий хизмат, шартнома асосида ҳарбий хизмат, сафарбар чақириқ резервида ҳарбий хизмат, Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўтаб бўлган резервдагилар хизматининг аниқ таърифлари берилган. Шунингдек, уларда фуқаролар томонидан ҳарбий хизматнинг турли шаклларини ўташ муддатлари кўрсатилган. Жумладан, 5-моддада ҳарбий хизматни ўташ муддатлари белгиланган:

Оддий таркиб лавозимларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун — эски қонундаги ўн саккиз ой ўрнига ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — ўн икки ой ўрнига тўққиз ой).

Офицер таркиби лавозимларига чақириқ бўйича муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган заҳирадаги офицерлар учун — ўн саккиз ой ўрнига тўққиз ой.

Қонунда ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбар чақириқ резервида ҳарбий хизмат тушунчасини белгиловчи янги меъёр киритилган.

(Давоми 2-бетда).

## Гулистонда маданий мажмуа

Сирдарё вилояти марказида маданий мажмуа очилди. Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналари услубида бунёд этилган ажойиб бинода вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази жойлашди.

Янги мажмуада марказий вилоят кутубхонаси, жанубий кореялик ҳомийлар кўмагида жиҳозланган компьютер хонаси, вилоятдаги барча маданий марказлар идоралари, маданият бошқармаси бўлимлари ҳам жойлашди.

Мажмуа очилишига бағишланган тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А. Мелибоев, Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров сўзга чиқди.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни қандай кечмоқда? Икки палатали парламентга ўтишдан мақсад, унинг дунё тажрибасидаги самараси мамлакатимизда қандай натижалар бериши мумкин?*

*Жиззах вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Парламент ислоҳоти ва демократик ўзгаришлар мавзусига бағишланган илмий-амалий конференцияда мана шулар хусусида атрофлича фикр юритилди.*

## ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИГА БАҒИШЛАНАДИ

Европа Иттифоқи комиссияси Европа Эйд дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи комиссияси Европа Эйд дастурининг лойиҳаси ҳақида лойиҳа раҳбари Рейнхард Ролла, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, парламент ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳақида Олий Мажлиснинг Қонунчилик ҳамда суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамияти барпо этишдаги тажрибалари ҳақида Европа Эйд дастурининг эксперти Фабьян Азиани, икки палатали парламент шароитида Омбудсманнинг фаолияти ҳақида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова маърузаларидан сўнг қизғин баҳс мунозаралар бўлди.

Конференцияда қатнашган ҳокимлик бошқаруви идоралари, сиёсий партия етакчилари, ҳуқуқшунослар, ўзини-ўзи бошқариш ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари парламент ислоҳоти жараёнини кенг омма ўртасида чуқур ўрганиш, бу борада ўзларининг вазифалари ҳақида фикр билдиришди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ИДРОК» ҚАНДОЛАТЛАРИ

Фарғона водийсидан Қамчиқ довонига элтувчи йўлнинг бир қисми Данғара тумани ҳудудидан ўтади. Азалдан карвон йўллари ёқасида сардобалар, дўконлар, карвонсаройлар бўлган. Чодаклик қишлоғидан ёш тадбиркор йигит Акромжон Дадажонов аждодларимизнинг шу анъанасини давом эттириб, савоб ишга қўл урди.

Қисқа вақт ичида, шундоқ йўл ёқасида бунёд этилган муҳташам «Идрок» ишлаб чиқариш корхонасида асосан қандолат маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Янги корхонанинг ишга туширилиши туфайли 50 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ғумайли қишлоғида эса автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси ва эҳтиёт қисмлар дўкони фойдаланишга топширилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Пойтахтимизда



## Давр ва адвокатура

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар босқичма босқич амалга оширилмоқда. Соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилмоқда. Хусусан, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқаролар шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш юзасидан талай ишлар қилинаётир.

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мамлакатимизда адвокатурани ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Тадбир қатнашчилари адвокатурани ислоҳ қилиш муаммолари, адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мақомини янада ошириш хусусида фикр алмашди.

## Навбатдаги акция савдоси

Республика фонд биржасида ўтган ҳафта давомида 35 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 206,7 миллион сўмлик 161 минг акциясини сотиш бўйича 53 битим имзоланди. Бундан ташқари, умумий қиймати 173 минг АҚШ долларига тенг бўлган олди-сотди битимига кўра 283,4 минг акция сотилди.

Иккиламчи бозорда 16 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 63,6 миллион сўмлик 103,6 минг дона акцияси харид қилинди.

## «Аския - 2003» кўргазмаси

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Аския-2003" расмлар кўргазмаси очилди.

Аския — халқимиз қадимдан эъзозлаб келадиган сўз санъати турларидан бири. Ҳаётнинг пасту баландини оқиллик билан ҳажвга солувчи Насриддин Афанди сиймоси аждодларимизнинг ушбу йўналишдаги тафаккури маҳсулидир.

Аскиячилик анъаналари асосида яратилган графика, ранг-тасвир, халқ амалий санъати асарлари томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда.

**ЎзА мухбирлари.**

### Жойлардан хабарлар

## 10 йил — орол ҳимоясида

**Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри биносида Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси таъсис этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди. Уни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси Т. Тангрибергенов бошқарди.**

**Анжуманда Оролбўйидаги экологик вазиятни юмшатишга кенг жамоатчиликни сафарбар этиш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Энг яхши уюшма

**Бухоро вилояти «Тадбиркор оила» уюшмаси «Энг яхши уюшма» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилган «Энг яхши шерик. 2002 йил лойиҳаси» танловининг якунловчи босқичида бу ҳақда маълум қилинди. Уни АҚШ халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) ва «Прагма» корпорацияси уюштирди.**

**Уюшма раиси Дилором Нарзуллаевага эсдалик нишони, шунингдек, «Прагма» корпорациясининг компьютери топширилди.**

**«Туркистон-пресс»**

## Маҳаллада шодиёна

**Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Бобур маҳалласи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази билан ҳамкорликда Наврўзи оламга бағишлаб тадбир ўтказишди.**

**Байрам тадбирини Ўзбекистон халқ артисти М. Абдуқундузов олиб борди.**

**Шодиёнада иштирок этган Миллий театр жамоаси ўзларининг чиқишлари билан барчани хушнуд этди. Марям Сатторова, Олимжон Орифжонов, Гулбаҳор Эрқулова, «Гавҳар» фольклор ансамбли ҳамда "Хушнуд" гуруҳи санъаткорларининг, 8-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқишлари кечага файз бағишлади. Байрамда касалманд, ёлғиз, ночор оилаларга совғалар улашилди.**

**М. ЁҚУБОВА.**

### "Халқ сўзи" назоратида

## Сифатсиз маҳсулотга ўрин йўқ


Ўзингдан чиққанига нима етсин?!

Газетамизнинг шу йил 31 январь сонида "Ўзингдан чиққанига нима етсин?!" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари, уларнинг сифати хусусида сўз юритилиб, пойтахтдаги айрим савдо шохобчаларида ҳамон истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар мавжудлиги танқид қилинганди.

Мазкур мақолада келтирилган фактлар юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори Р.Бўриев имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

"Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бежирим идишларга қадоқланиши ва ёрлиқланиши истеъмолчиларни ўзига тортади. Бироқ, бозорлардаги айрим савдо пештахталарида ва савдо дўконларида ҳақиқатан сақлаш муддати ўтган ва мувофиқлик сертификати йўқ бўлган маҳсулотлар учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси "Карвон" бозорида сотилаётган маҳсулотлар сифатини ўрганиш учун ўтказган рейди давомида ёрлиқланмаган, мувофиқлик сертификати йўқ ва яроқлилик муддати тугаган маҳсулотлар савдода борлиги аниқланди.

Бу борада "Ўзстандарт" агентлигининг Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан матбуот ходимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси билан биргаликда рейдлар ўтказиб истеъмолчиларга бу борада даврий нашрлар орқали маълумотлар бериб борилмоқда.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича ҳудудий комиссиясига Юнусобод туманидаги "Нико-Сервис" хусусий корхонаси ва "Сифат" хусусий корхоналарида текширув ўтказиш учун қўшимча буюртмалар берилди".

### Фармонни ўқиб

## ФЕРМЕР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Бир пайтлари бирон гап бўлса, "Биз кичкина одаммиз, ўқимаган бир деҳқонмиз" деб ўзимни четга тортардим. Аслида, деҳқондан ҳеч ким "Сен нима дейсан?" деб сўрамасди ҳам у замонларда. Бугун мен фермерман. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан бохабар, қишлоқ хўжалигига дахлдор қарор ва фармонларни яхши биладиган, ўз ҳуқуқини таниган одамман. Умри далада ўтган, борйўғи бир йиллик боғдорчилик курсини битирган мендай деҳқоннинг онгидаги бу янгиланиш сабаби нимада? Албатта, аввало мулк шаклининг ўзгарганида, деҳқонда эгалик ҳуқуқи шаклланганини, мустақил ишлаш, мустақил яшаш имконияти пайдо бўлганида.

Мулк эгаси эканман, демак мен энди "кичкина", "иккинчи даражали" одам эмасман. Менинг дунёқарашим, фикрим, ташаббусим — менинг даромадим.

Мана, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қишлоқ хўжалик тизимида ислоҳотлар изчил, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ, соҳа келажагини фермер хўжаликларида кўраман, деганида ўзбек деҳқонининг нафақат бугуни, балки эртанги кунини ҳам яққол тасаввур этган экан, дея қойил қоламан.

(Давоми 2-бетда).

**Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 23 кун қолди**

**Ислом КАРИМОВ:**
**Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.**

## Энг катта ютуғимиз: ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК

Инсоният пайдо бўлибдики, кишилар доимо улуғ мақсад – тинчлик ва тотувликка интилиб келганлар. Бинобарин, Ватанимизда ҳукм суриб келаётган миллатлараро тинчлик, тотувлик, хотиржамлик ва аҳиллик ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир.

Ҳа, халқимизнинг азалий ва абадий орзуси бўлган Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва иқтисодий ҳаётида бошланган янги давр Ватанимизнинг шонли тарихига йилдан-йилга ўзининг янги-янги зарварақларини битмоқда. Мингйилликлар тақвимига нисбатан тарихнинг киприк қоқишдай қисқа бир фурсат ичида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятлардан тортиб, то юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўзига хос ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлайдиган улкан ютуқлар ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдириши, табиий. Айни пайтда, қўлга киритилган салмоқли натижалар ва муваффақиятларнинг замирида, энг аввало, халқимизнинг бунёдкор меҳнати билан Юртбошимизнинг доно сиёсати турганлиги барчамизга аён ҳақиқатдир. Бири-биридан илҳомланиб турадиган шу икки ҳаётбахш куч-қудратнинг бирлиги ва якдиллиги туфайли элу-юртнинг ёруғ истиқболи ҳақида ўйлаганда, хаёлга беихтиёр ушбу шукуҳнинг ёркин ифодаси ўлароқ Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги ўтли сатрлари келади:

*Меҳнат ҳам бор,*
*шафқат ҳам бор, карвон*
*ҳам бордир,*
*Дунё ҳавас айлагулик*
*Сарбон ҳам бордир.*

*Фотиҳага қўл оч энди,*
*бут бўлсин қаср,*
*Ўзбекистон асри*
*бўлгай шаксиз бу аср!*

Тинчлик ва дўстлик байроғи остида Истиқлол йўлини тутган халқ карвонининг довонлар ошиб, кўзланган манзилга омон-эсон етиши учун, унинг сафларини яна ҳам жипслаштириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан доно тадбирлар кўрилиши, даврага янги ватанпарвар кучларнинг жалб қилиниши давр талаби эди. Ана шу тарихий зарурат тақозосига кўра ижтимоий ҳаёт майдонига қадам қўйган Ўзбекистон "Халқ бирлиги" ҳаракати ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ элу-юртга, энг аввало, тинчлик ва дўстлик жарчиси сифатида танила бошлади.

1995 йилнинг май ойида ташкил топган ва самарали фаолият юритиб келаётган Ҳаракатнинг асосий мақсади унинг Низоми ва Дастурида таъкидланган.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, Ҳаракатнинг жамоатчилик бирлашмаси эканлиги сабабли тез орада унинг сафлари турли дунёқарашга эга бўлган шахслар, оилалар ва жамоалар ҳисобига кенг қулоч ёзди. Эндиликда "Халқ бирлиги" ҳаракати Ўзбекистоннинг деярли барча вилоят, шаҳар ва туманларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ўзининг юзлаб ташкилотларига эга бўлиб, ўз сафларига миллий-маданий марказларни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини, ҳиссадорлик жамиятларини, йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ва бошқа жамоаларни бирлаштиради. Биргина пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ўн битта туманида Ҳаракатга уч юзга яқин ташкилот аъзо бўлиб, улар ўз қамровида юз минглаб кишиларни жипслаштиради. "Халқ бирлиги" ҳаракатининг жойларда турли тадбирларни ҳамкорликда ўтказиши ҳам миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, Акмал Икромов туманидаги "Ватан" маҳалласида кўплаб миллатлар вакиллари аҳил-баҳамжиҳат яшашади. Шу маҳаллада доимий ташкил этиладиган турли мавзулардаги тадбирлар, анжуманларнинг мазмунли ўтишида ҳаракатнинг ҳиссаси каттадир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, турли миллатларга ва динларга, ҳар хил ёшга ва дунёқарашга, турфа касбу корга ва ижтимоий ҳолатга мансуб кўплаб кишиларни кўнгилли равишда "Халқ бирлиги" ҳаракатининг сафларига етаклаб келадиган асосий сабаб нимадан иборат? Фикримизча, бош сабабни, энг аввало, Ҳаракатнинг ўз олдига қўйган энг муҳим вазифасидан, унинг мустақиллик йилларида эришилган энг катта бойлигимизнинг кенг халқ оммасининг онгига етказиш йўлида, таъбир жоиз бўлса, бир кўприк ролини ўташидан излаш керак. Энг катта бойлигимизга келадиган бўлсак, уни Истиқлол бош меъморининг қуйидаги таърифидан билиш мумкин:

"Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир".

"Халқ бирлиги" ҳаракати мамлакат тараққиётининг асосий йўналишлари ва миллий сиёсатимизнинг устувор тамойилларини жамиятимизнинг барча қатламларига, айниқса, ёш ва навқирон бўғинларга етказишнинг таъсирчан усулларини ва самарали йўлларини излашга астойдил бел боғлаган. Шу маънода ҳаракатнинг турли сиёсий партиялар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" ва бошқа жамғармалар,ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолияти жиддий натижалар бермоқда. Табиийки, Ҳаракатнинг жойлардаги кўпқиррали фаолияти билан боғлиқ янгиликлар ва қўлга киритилган ютуқлар унинг кўпсонли аъзолари ва мухлисларига ўзбек ва рус тилларида чиқадиган "Бирлик" ("Единство") ва "Дўст" ("Друг") газеталари орқали мунтазам равишда етказиб берилади. Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида гап кетар экан, "Халқ бирлиги" ҳаракатининг доимий ҳамкорлари қаторида, айниқса, республикамизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказларни ҳам тилга олиб ўтиш ўринлидир.

Айниқса, шу кеча-кундузда Байналмилал маданият марказида ҳукм сураётган баҳорий кайфиятга мос янгича шукуҳ ва жонланиш халқимизнинг бахту саодати йўлида шу дўстлик ва бирдамлик даргоҳи билан «Халқ бирлиги» ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг келажакда яна ҳам мустаҳкамланишига катта умид уйғотмоқда.

"Халқ бирлиги" ўз фаолияти ва ваколатлари доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тамойилларига асосланган ҳолда Юртбошимиз томонидан минтақада ва МДҲ мамлакатларида тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, изчиллик билан йўлга қўйилаётган халқ дипломатиясини, энг аввало, бирор-бир муаммо ёки хавф-хатарни бартараф этишда тинчликсевар ва бунёдкор халқ даҳосининг туганмас хазинасида ва кўп асрлик восита ва имкониятлардан ўз вақтида, ўз ўрнида ва оқилона фойдаланишни кўзда тутади.

Тўғри, қилинган ишлардан кўра ҳали амалга ошириладиган вазифалар кўп. Жамоат ташкилотлари фуқаролик жамияти асоси экан, табиийки, бу бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Қолаверса, юртимизда кучли жамият қуриш учун ҳуқуқий, иқтисодий асослар яратилган, назарий йўллар белгиланган. Энди бу ишни реал воқеликка айлантириш ҳар биримизга боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, лоқайдликдан халос бўлиб, ўзимизга зарур нарсани ўзимиз ярата оламиз, деган ишончга эга бўлишимиз керак. Шундай қилсак, юртимиздаги ҳар бир жамоат ташкилоти ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрни ва ўз қиёфасига эга бўлур эди.

**Умар САЛМОНОВ,**
**Ўзбекистон "Халқ бирлиги" ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамраиси, «Дўстлик» ордени нишондори.**

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунда, фуқароларни чақириқ участкаларида рўйхатдан ўтказиш ёшини уларга паспорт бериш ёшига мувофиқлаштириш мақсадида, чақириқ участкаларида рўйхатдан ўтказиладиган ўсмирлар ёши 17 дан 16 га ўзгартирилди (18-модда).

Чақириқ муддатини кечиктириш ҳолатлари ва оилавий аҳволига кўра чақириқдан озод қилинадиган фуқаролар тоифаси кўриб чиқилди. Агар чақириқ кунида чақирилаётганнинг акаси муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса, унинг чақириқ муддати кечиктирилади. Яқин қариндошларидан бири ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлган ёки вафот этган фуқароларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ ёки ўтамаслик ҳуқуқи берилди.

Сафарбар чақириқ резервида ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизмат ёшидаги шахсларга шартнома асосида ҳарбий хизматга кириш имконини берадиган янги меъёр киритилди (24-модда). Ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш ёши 23 дан 25 га ўзгартирилди (24-модда).

Қуролли Кучларнинг профессионал асосга ўтиши фуқаро ва вазирлик ёки ҳарбий хизмат кўзда тутилган идора ўртасида ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида ёзма шартнома тузилишини кўзда тутади. Шартноманинг намунали шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бу Қонуннинг 24-моддасида кўзда тутилган.

Хизмат муддатини энг юқори ёшдан ортиқ узайтириш ҳуқуқи эски қонунда фақат мудофаа вазирига берилган эди. Янги қонуннинг 25-моддасида бундай ҳуқуқ ҳарбий хизмат кўзда тутилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам берилган.

Қонуннинг 27-моддасида ҳарбий хизмат муддатлари (шартномада белгиланган муддат) тугаганлигига қарамай, ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатидан ўчирилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар кўзда тутилган. Бу, ҳарбий хизматчи стационар даволанишда бўлган, аёллар туғуриқ таътилида ёки болага қараш бўйича таътилда бўлган; асирда гаров ҳолатида бўлган; бедарак йўқолган - суд томонидан қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинишигача бўлган ҳолатлардир.

Қонуннинг 30-моддасида янги атама — "резерв" киритилган. Резерв разрядлари сони иккитагача қисқартирилган. Ҳарбий хизматчиларнинг резерв ва заҳирада бўлиш муддатлари камайтирилган — кичик офицерлар учун 55 ёшдан 45 ёшга, катта офицерлар учун — 60 ёшдан 55 ёшга, ҳарбий хизмат ёшидаги оддий ва сержант таркиби учун — 50 дан 45 ёшга.

Олтинчи бобда (муқобил хизмат 37-41 моддалар) муқобил хизмат тушунчаси, муддатлари, чақириқ ва бундай хизматни ўташ тартибини белгиловчи ва тартибга солувчи меъёрлар кўзда тутилган. Унда муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар учун ижтимоий кафолатлар, муқобил хизматни тугатиш тартиби белгиланган.

Мазкур бобнинг қонунга киритилиши янгилик бўлиб, қонунга мувофиқ муқобил хизматни ўташ ҳуқуқи 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи, чақириқ бўйича ҳарбий хизматга лаёқатли, рўйхатдан ўтган, таълимоти қуролдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган диний ташкилот аъзоси бўлган фуқароларгагина берилади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар тоифасининг камайтирилиши ва унинг асосий мезонлари Қонунда белгилаб берилиши туфайли фуқароларнинг муқобил хизматни ўташ тартиби, уни ташкил этиш ва ўташини тартибга солувчи алоҳида қонунга эҳтиёж йўқолади.

Қонуннинг 44-моддасида қўшимча равишда Қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб тан олинганлиги боис ҳарбий ҳисобдан ўчирилиши лозим бўлган фуқаролар тоифалари кўрсатиб берилган. Шунингдек, 45-моддага ички ишлар органларининг чақириқ ёшидагиларга фақат уларда ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари (рўйхатга қўйиш гувоҳномаси) бўлган тақдирдагина паспорт бериш мажбуриятини белгиловчи меъёр киритилган, бу эса чақириқдагиларни ҳисобга олишга ёрдам беради.

Қонуннинг 6-моддасида белгилаб қўйилганки, муддатли ҳарбий хизматни ўташга лаёқатли ва кечиктириш, хизматдан озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо Қуролли Кучларга навбатдаги муддатга чақирилмаётган шахслар сафарбар чақириқ резервига қўшилади.

**— Ҳозир Сиз сафарбар чақириқ резервида хизмат ҳақида гапирдингиз. Бу — ҳарбий хизматнинг янги тури. Шу боис батафсил сўзлаб берсангиз.**

— Сафарбар чақириқ резервида хизмат ҳудудий тамойил асосида бир ойлик йиғин шаклида ташкил этилади ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига пул бадаллари тўлашни кўзда тутади.

Кўрсатилган шахслар сафарбар чақириқ резервига қўшилади ва йигирма етти ёшга етгунича ҳар йиллик йиғинларга жалб этилиши, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз юзага келган тақдирда ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин.

Сафарбар чақириқ резервида хизматни ўтаган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлгач, Қуролли Кучлар резерви таркибига киритилади.

Сафарбар чақириқ резервига киритилган шахслар томонидан тўланадиган пул бадаллари ҳажми ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади.

Кўрсатилган маблағлар мақсадли равишда, муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари пул ва моддий таъминотини яхшилаш ҳамда сафарбар чақириқ резервига киритилганларнинг йиғинларини ўтказишга сарфланади. Сафарбар чақириқ резервида хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомга биноан белгиланади.

**— Янги Қонунга кўра чақириқ масалаларида давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифалари ва ўрни қандай?**

— Фуқаролар чақириғини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш, молиялаш ва моддий-техника таъминотини амалга ошириш, чақириқдагиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ўқув-моддий базасини яратиш, чақириқдагиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш, ўтказиш ва натижалар устидан назорат ўрнатиш, бошланғич чақириққача тайёргарликни услубий таъминлашдир /12-модда/. Шунингдек, улар чақириқ участкаларини зарур тиббий ускуна ва анжомлар билан жиҳозлаш, хизматга чақирилганларни лаборатория кўригидан ўтказишни ташкил этиш, уларнинг турли ихтисосдаги юқори малакали шифокорлар томонидан ҳар томонлама кўрикдан ўтказиш ишларига ҳам бошқош бўлади. Хизматга чақирилганларни тиббий кўрикдан ўтказишда холисликни таъминлаш, бунга эришиш учун муқобил тиббий комиссиялар хизматидан ҳам самарали фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 2003 йил баҳорги чақириқдан бошлаб, сафарбар чақириқ резервида хизмат ўташини ташкил этиш ҳам ушбу вазифалар жумласидандир.

Муддатли ҳарбий хизмат кўзда тутилган вазирликлар ва идоралар Махсус ҳисоб-рақамидан муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини пул ва моддий таъминотини яхшилаш, шунингдек, сафарбар чақириқ резервида хизматга чақирилган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказиш учун келиб тушадиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаши керак.

Бу борада ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, оммавий ахборот воситаларида ёшларни Қуролли Кучлар сафида хизматга тайёрлаш, фуқароларни ҳарбий хизматга, сафарбар чақириқ резервида хизматга чақириш ва чақириқ комиссиялари ишларини ташкил этиш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш энг муҳим вазифадир.

**— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 мартдаги "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори асосида ва Мудофаа вазирининг буйруғига кўра жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизда баҳорги чақириқ бошланади. Ҳозир бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан яхши тайёргарликка эга чақириқ ёшидагиларни муддатли ҳарбий хизматга танлаш ва қолган чақириқ ёшидагиларни эса сафарбар чақириқ резервига қўшиш мақсадида танлов жорий этилган. У ошкораликни таъминлаш баробарида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ҳақида қарор қабул қилишда нохолисликка йўл қўймаслик имконини беради. Шунингдек, давлат ҳокимият органларининг ёшларни Қуролли Кучларда хизматга тайёрлашни ташкил этиш, фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга чақириш масалаларида мувофиқлаштирувчи ролини янада кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада чақириқ комиссиялари фаолиятида ошкораликни таъминлаш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, айниқса, катта аҳамиятга эга. Бунинг учун чақириқ комиссиялари таркибига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмитаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилди. Бундан ташқари чақириқ комиссияси раиси ва аъзоларининг қабул қилинаётган қарорлар қонунийлиги ва холислиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш, чақириқдагиларни армияга тантанали кузатиш ва белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлганларни тантанали кутиб олишни ташкил этиш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Мудофаа вазирлиги томонидан фуқароларнинг муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбар чақириқ резервига қўшиш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мудофаа ишлари бўйича бошқармалари ва бўлимлари мансабдор шахслари билан услубий машғулотлар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг Қуролли Кучлар сафига чақириғини юқори ташкилий савияда ўтказиш, қўшинлар таркибини ёшлар ҳисобига самарали тарзда тўлдириш — улкан давлат аҳамиятига молик вазифа. Бу вазифани ҳал этиш, чақириқ комиссиялари, маҳаллий ҳарбий бошқарма, давлат ҳокимияти органлари масъулиятига, уларнинг уюшқоқлигига, Қуролли Кучларнинг ҳарбий тайёргарлик даражасига, мамлакатимиз миллий хавфсизлигини, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлай олиш лаёқатига бевосита боғлиқ.

**ЎзА мухбири**
**Т. БОТИРБЕКОВ**
**суҳбатлашди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабари

## Лицензия қайтариб олинди

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига асосан ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг банк фаолиятини амалга ошириш лицензияси қайтариб олинганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банкига банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олди.

## «Карвонбанк» фаолияти тугатилди

Ўзбекистон Республикаси «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, амалдаги банк қонунчилиги талаблари мунтазам равишда бузилиши сабабли ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Карвонбанк»ига банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтариб олди.



## ФИРМА МАҲСУЛОТИ — ИЧКИ БОЗОРДА

*Рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда ишлаб чиқариш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири. Андижонлик тадбиркорлар, хусусан, Бўз туманидаги «Хайрулла» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.*

*— Бизда тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари нафақат вилоятимиз, балки Тошкент шаҳри, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисига ҳам манзур бўлмоқда, — дейди фирма раҳбари Хайрулла Худойқулов.*

*Айни пайтда Бобур номли, «Озод» ва Шодмонов номли ширкат хўжаликларида ҳам бу фирманинг шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда эса 40 нафардан зиёд киши иш билан банд.*

**СУРАТДА:** илғор ишчи Илҳом Исоқов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## ФЕРМЕР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган вақт мобайнида фермер хўжаликлари тизимини шакллантириш, ривожлантириш тўғрисида кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Энг аввало, фермерлар эмин-эркин фаолият кўрсатишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Президентимизнинг яқинда "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Очиғи, еттита газетага обуна бўлганман. Фермерлар иш фаолияти билан боғлиқ Қонун, Фармон ва қарорлар, мақолалар эътиборимдан четда қолмайди.

Ушбу Фармонда асосий эътибор қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини янада кенгайтириш ва уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга қаратилган. Фармонда "...истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш", деган жумлалар бор. Фермерни хурсанд қиладиган яна бир жиҳати — унга кўпроқ мустақиллик берилганида, деб ўйлайман. Негаки бундан буён хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотини, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади. Ер майдонларининг фермерларга танлов асосида берилиши ҳам, шартномаларни тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан фермернинг ўзи тузиши ҳам айни муддаодир.

Мана, йил бошида вилоятимиздаги паст рентабелли яна бешта хўжаликнинг ерлари ва асосий воситалари фермерларга тақсимлаб берилди. Туманимизда ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликлари улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда Оҳангаронда фаолият кўрсатаётган фермерлар сони 450 дан ошиб кетди.

Бундан ўн йил аввал фермер бўламан, катта экин майдони давлатимиз томонидан бутунлай ихтиёримга бериб қўйилади, эмин-эркин деҳқончилик қиламан, деган ўй тушимга ҳам кирмаган. Тўғри, фермерлик ҳаракати бошланган 90-йилларнинг бошларида мен турли идораларга қоғоз кўтариб югурмадим. Тажрибали деҳқон бўлган Азим отанинг этагини тутиб, "Ангрен" ширкат хўжалигида кетмон чопдим, бригадир, бўлим бошқарувчиси бўлиб кўп йиллар ишладим. Бир куни туман раҳбарлари чақириб, "Фермер хўжаликлари ташкил этмоқчимиз, сиз ҳам янги ишга қўл урсангиз", деб қолди. Шунгаям ўн йилдан ошибди. 150 гектар ерим бор. Ҳар йили ғалла, сабзавотдан мўл ҳосил оламан.

Бу йил роса 103 гектарда ғалла етиштиряпман. Мамлакатга дон керак экан, ҳеч иккиланмай шундай қилдим. Кўпчилик ғалла унчалик кўп фойда бермайди, деб уни камроқ экиш пайида бўлади. Аммо билган одамга ғаллачилик ҳам сердаромад соҳа.

Юқорида айтдим, мен оддий деҳқонман. Аммо мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳар қандай университетдан кам билим бермади менга. Уйимда яхшигина кутубхонам бор. У ерда Президентимизнинг асарлари, соҳага оид китоблар, бадиий китоблар бор. Кундалик воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб тураман. Компьютерим бор.

Битта фермерга бундан ортиқ яна нима керак? Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидир.

**Аваз АЗИМОВ,**
**Оҳангарон туманидаги "Авазхон" фермер хўжалигираҳбари (ЎзА).**

Нуқтаи назар

# ТАРОЗИДАН КИМ НОРОЗИ?

## ёки бозордаги диёнатсизликлар ҳақида

Агар ҳаётни билмоқчи бўлсанг, бозорга бор, деган гап бор халқимизда.

Дарҳақиқат, бозорни одамларнинг яшаш тарзи, маданияти, бойлигини кўрсатувчи кўзгу дейиш мумкин.

Ҳозир республикамизда бозорларни замон талабларига мослаб қайта қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Айниқса, пойтахтимиздаги бозорларнинг деярли барчаси қайта таъмирланиб, шарқона қиёфа касб этгани диққатга сазовор. Кўпчилик бозорларимизга кирганда хушмуомала, хушбичим сотувчиларни кўриб кўзингиз қувонади. Аслида биз бозорга мана шунинг учун бормаймизми?..

Лекин мана шу ташқи гўзаллик, ҳашамат ортида муаммолар йўқми? Афсуски, бор... Бозорларда учраб турадиган харидор ҳақига хиёнат қилиш, диёнатсизлик, ондасонда бўлса-да, кўзга ташланиб қолади.

— Окажон, келинг озгина картошкам қолди, арзон бераман, — “Юнусобод” бозорида бир аёлнинг бу ширин муомаласидан тўхтадим. — Уйга кетмоқчийдим, жуда арзон, олиб кета қолинг.

Аёлнинг кўзлари жовдираб ялингансимон турганига раҳмим келди, унинг устига арзон нархни айтганини эшитиб, “Обкетақолай, барибир бошқадан ҳам оламан-ку” дедим ўзимча.

— Опажон, тўрт кило тортинг.

— Хўп, айланай, келинг, балки кўпроқ оларсиз...

— Йўқ, етади.

— Мана, окажон, ош бўлсин!

Опа “хўроз” тарозида тўрт килони кўрсатиб тортди, яна битта катта картошкаям қўшиб қўйди. Ичимда “мард аёл экан” деб ўйладим. Хурсанд бўлиб дарвоза томон йўл олдим. Аммо қўлимдаги юк чамамдагидан камроқ туюлди. Назорат тарозисига тортиб кўрсам 3 кило 400 грамм чиқди. Хафа бўлиб кетдим. Наҳот, кўринишидан фариштадай туюлган аёл шундай иш қилса...

— Болам, нима кам чиқдими? — деди тарози олдида ҳайрон бўлиб турганимни кўрган бир нуроний чол. — Парво қилма, баъзиларда диёнатнинг ўзи қолмаган. Шундайларга қараб ҳайрон қоласан. Ҳатто уруш йилларида ҳам тарозидан уриш деган нарса йўқ эди. Ҳозирги тўқчилик даврида буларга нима етмайди... Бировнинг ҳақини уриб оила боққандан кўра... Энг ёмони, улар болалариниям шунга ўргатишади. Эртага ўша боладан ким чиқади?!

— Нимасини айтасиз, — деб гапга қўшилди ўрта ёшли аёл. — Менинг қўшним ҳам бозорда тирикчилик қилади. Боласи ўғлим билан тенгқур. Лекин у мактабгаям бормайди. Баъзида кўча-куйда сигарет тутатиб юрганини кўриб қоламан. На билими бор, на тарбияси... Яна тенгқурларига “Пулимиз кўп, ўқишим шарт эмас” деб мақтанаркан. Ахир билим пул билан ўлчанмайди-ку...

Картошка сотувчи аёлнинг олдига қайтиб борсам, аллақачон кетиб бўлибди. Шошиб турганди-да. Ширинликлар сотилаётган расталар томон юрдим. Ялтироқ қоғозларга ўралган турли хил коньфет, печеньеларни кўриб одамнинг ҳаваси келади. Печеньелардан бирини олиб қарасам, ҳеч бир жойида сақлаш муддати ёзилмаган. Бу ҳақда сотувчига айтувдим: “Уларнинг муддати бўлмайди, чунки улар “свежий” деди. «Нега энди бўлмас экан» деган саволимга жавоб бериш ўрнига сотувчининг ёнида савдо қилаётган киши жеркиб берди:

— Ў-ў, ока олсангиз олинг, бўлмаса ҳар хил майда гаплар билан бошни оғритманг. Сроги ёзилгани керак бўлса, супермаркетга боринг.

Атрофдаги сотувчилар ”бопладинг” дегандек унга мамнун жилмайишди. Парво қилмай яна биттасини олдим. Унда сақлаш муддати катта қилиб ёзилган: 2002.02 дан 2003.02 гача.

Шундан сўнг, наҳот бозор маъмурияти бундан бехабар бўлса, деб директор қабулхонасига кирдим. У менинг гапларимни эшитиб туриб чуқур хўрсинди.

— Шунақа ноинсофлар жонга тегди, — деб гап бошлади “Юнусобод” универсал бозори ОАЖ директори Раҳимхўжа Пўлатов. — Ҳамма сотувчиларга давлат стандартидан ўтказилган тарозилар берганмиз, тез-тез текширувлар ўтказиб турамиз. Лекин уларнинг уруғини қуритиб бўлмаяпти. Ҳар бирининг олдига назоратчи қўёлмайсиз-ку...

Директорнинг гапи тўғридир балки. Лекин ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги тартиб-интизом учун жавобгар. Ҳеч қандай баҳона уни ўз масъулиятидан озод қилолмайди.

Чиқаверишда танишимни учратиб қолдим. У ҳам яқинда “Чилонзор” метроси ёнидаги бозорда бўлган воқеани айтиб берди:

— Бозорга кириб гўшт олмоқчи бўлдим, — деб гап бошлади у. — Расталарга яқинлашгач, бир неча қассоб сотаётган гўштини мақтаб чақира бошлади. Бирининг ёнига бориб нархини сўрасам, 2200 сўм, деди. Савдолашиб ҳам ўтирмай уч килони яхшилаб тортиб беришини илтимос қилдим. Уйга келиб очиб қарасам, лаҳм деб солган гўштнинг ичида салкам чойнакдай суяк бор экан. Тарозига тортиб кўрсам 550 грамм кам келди. Қаранг, гўштда катта суяк борлиги етмагандай, тарозидан ҳам урибди. Аччиғим чиқиб эринмай бозорга қайтиб бордим.

Қассоб хижолат бўлиш ўрнига:

— Э-э, ока, эркакмисиз? Юз грамм етмади, икки юз грамм етмади деб юришга уялмайсизми? — дейди.

Юзсизликни қаранг: тарозидан уриб қолиш эркаклик эмишу, ҳақини талаб қилиш номардлик бўлармиш.

Бир-икки кундан сўнг, гўшт олиш учун “Чорсу”га бордим. Анча вақтдан буён бўлмагандим. Гўшт сотиладиган жой усти ёпиқ бинога кўчирилибди. Лекин у ерга кираверишда ўнлаб кишиларнинг қоғозга ўралган гўштларни сотаётганини кўриб ҳайрон бўлдим. Чунки кун иссиқ, яна кўча чанг... Ўнлаб араваларда тахланиб турган гўшт ўрамлари қачон сотиб бўлинади, умуман, уларнинг сифатига ким кафолат беради, агар маҳсулот қолиб кетса қаерда сақланади?.. Бир амаллаб ичкари кирдим. Бу ерда ҳам савдо қизғин. Гўшт кўплигиданми ёки ҳаво алмашиши яхшимаслиги учунми нафас олиш қийин. Расталарнинг бирида чиройли қилиб илиб қўйилган лаҳм гўштларни кўриб нархини сўрадим.

— Келинг, ока 1700 сўмдан бераман. Мана, бирор жойида суяги йўқ.

— Тортинг-чи.

— Бир ярим килодан сал зиёдроқ, яна қўшайми?

Мен танлаган яна бир бўлакни тортаётган сотувчининг ҳаракатларини ўта синчковлик билан кузатиб турдим. Икки кило саккиз юз граммга 4800 сўм тўлаб ташқарига чиқдим. Кейин назорат тарозисига тортиб кўрсам 320 грамм кам чиқди. Уям майли, пакетни тарозига қўяётиб “тақ” деган товушни эшитиб очиб қарасам муштдек суяк турибди. Ё тавба, ахир кўзимни узмай қараб тургандим-ку!..

Бир неча бор циркларда фокусчиларни кўрганман. Уларнинг қўлида бошлаб ҳеч нарса бўлмайди. Лекин у қўлини бир айлантириши билан нимадир пайдо бўлиб қолади. Қанча диққат билан кузатманг сирини билолмайсиз. Назаримда, бу қассоблар олдида ўша фокусчилар ип эшолмаса керак.

Гўшт ҳар бир рўзғорга керак. Демак, бу маҳсулот харидоргир. Дейлик, икки кило гўшт олсангизу, қассоб ундан 300 грамм уриб қолса, сиз пешона тери билан топган 600 сўм пулингиз ҳавога учади.

Лекин шуни айтиш лозимки, бозорларимизда фақат тарозидан уриш эмас, бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Қайси бозорга кирманг тушуниб бўлмайдиган тилда ёзилган, маркаланмаган, сифатсиз маҳсулотлар сотилаётганини кўрасиз. Сувда “шиширилган” сариёғ, ун аралаштирилган қурт, буғда кичрайтирилган “баклашка”даги сут... Афсуски, бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Қадимдан шарқ бозорлари бутун дунёда алоҳида ўрин тутиб келган. Чунки улар ҳалоллик, поклик ва сифат рамзи бўлган. Ҳатто “бозор” сўзи бошқа тилларга ҳам сингиб кетган. Халқимизда “рози қилиш” деган тушунча бор. Ота-она розилиги, устоз розилиги ҳар бир ўзбек фарзанди учун муқаддас. Шу ўринда сотувчи ва харидорнинг ҳам бир-биридан “рози бўлиш”ини сўрашлари ҳам меҳнатга миннатдорлик, диёнат рамзи бўлса керак. Аслида, “тарози” сўзи ҳам розилик сўзидан олинган эмасмикан?..

Албатта, бозор муаммолари ҳақида илгари ҳам кўп ёзилган. Лекин ўзгаришлар кузатилмаётганини кўриб “бизга нима бўлаяпти ўзи, наҳотки бундай диёнатсизликлар оддий ҳолатга айланиб қолаётган бўлса” деган савол кечди хаёлимдан. Ахир тарозидан уриш кечириб бўлмайдиган гуноҳ эканлигини барчамиз биламиз-ку... Унда нега бунга амал қилмаймиз?

Поклик, диёнат, виждонан яшаш халқимизнинг азалий қадриятлари. Уларни сақлаб қолиш, эзгу одатлар билан бойитиш барчамиз учун муқаддас бўлмоғи лозим.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги 70-сонли қарорига биноан

Ўзбекистон Бадиий академияси

«Менинг маҳаллам» мавзусида республика очиқ танловини эълон қилади.

Танлов 3 номинация бўйича ўтказилади.

1. Қадимий халқ анъаналари, урф-одатларининг ҳозирги маҳалла ҳаёти билан узвий боғлиқлигини ифодаловчи тематик жанрдаги композициялар.
2. Замондош (маҳалладош) портрети.
3. Замонавий маҳалла кўринишини ифодаловчи пейзажлар композицияси.



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН СОВРИНЛАР ВА ДИПЛОМЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН.

Ҳар бир номинацияда 3тадан совринг:
- 1 ўрин учун — 300 000 сўм;
- 2 ўрин учун — 200 000 сўм;
- 3 ўрин учун — 100 000 сўм.

Танловга тақдим этиладиган асарлар 2003 йил 1 июлдан 10 июлгача Замонавий санъат марказида қабул қилинади (Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 4-уй).

Маълумот учун телефон: 133-67-28.

7111/713

«NAVOIYAZOT» ОАЖ

акциядорларининг умумий йиғилиши 2003 йил 3 май куни соат 13.00да қуйидаги манзилда ўтказилади: Навоий вилояти, Навоий ш., Навоий к., 5-уй, «Navoiyazot» ОАЖ.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2002 йил иш фаолияти бўйича кузатув кенгашининг ҳисоботи.
2. Кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
3. Бошқарув раисининг 2002 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи.
4. 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. 2002 йил бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
6. Фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш шаклини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2002 йил молия хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
8. 2003 йилга аудиторни тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ҳисоботи текширувi натижалари тўғрисида аудитор хулосаси.
10. Бошқарув раиси билан ёлланма шартномасини бир йил муддатга тузиш тўғрисида.

Реестр ёпилиши санаси — 2003 йил 3 апрель.

«Navoiyazot» ОАЖ кузатув кенгаши.

7096/628

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

UZDUNROBITA first cellular

1 АПРЕЛДАН НАРХЛАРНИ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШТИРИШ!

GSM D·AMPS

| | ЭНДИ | ЭДИ |
|---|---|---|
| ТЕЛЕФОННИ ҚАЙТА УЛАШ | 5 $ | ~~16,25~~ |
| РЎЙХАТДАН РАҚАМ ТАНЛАШ | 5 $ | ~~16,25~~ |
| ШАРТНОМАНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ | 5 $ | ~~16,25~~ |
| РАҚАМНИ ЎЗГАРТИРИШ | 10 $ | ~~20,00~~ |
| УЛАШ ВАҚТИДАГИ ОЛДИНДАН ТЎЛОВ | 25 $ | ~~50,00~~ |

“ПРЕСТИЖ” РЕЖАСИ 99 $
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ + SMS ва VMS - БЕПУЛ!

УЗДУНРОБИТА GSMдан GSMга кирувчи қўнғироқлар БЕПУЛ!

SMS ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ

(Тарифлар АҚШ долларида кўрсатилган ва ҳамма солиқлари ўз ичига олади), 2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
- «Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.
- “Уздунробита” компаниясининг узоқ ва яқин чет элдаги муштарийлари рақамига қўнғироқ қилиш учун +998 97 кодидан фойдаланилади.

УЛАШ БЕПУЛ!

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 “Уздунробита” ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй (“Лабзак”).

www.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

7112/08

